Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил
5 май
ШАНБА

№ 37
(11.944)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

Паркент тумани марказидаги 5-умумтаълим мактаби 160 ўринга мўлжалланган. Ҳозир қўшимча 80 ўринли ўқув биноси қад ростлаяпти. Қурилиш-монтаж ишларини «Ҳисор тоғи» масъулияти чекланган жамияти жамоаси олиб бормоқда. Сўнгги қўнғироқ байрамида янгича қиёфадаги мактабнинг очилиш маросими бўлиб ўтади.

СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ АРАФАСИДА



Шунингдек, «Ҳисор тоғи» жамияти тумандаги 26-, 39-, 43-, 46-умумтаълим мактабларини капитал реконструкция қилмоқда. 24- ҳамда 25-мактаблар жорий таъмирланаяпти. Бундан ташқари, аҳоли талаб ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда Невич қишлоғида янги шифокорлик пункти ишга туширилмоқда.

СУРАТЛАРДА:

(чапдан) бўёқчи Аҳрор Жовлиев иш устида; туман ҳокимлигининг қурилиш бўйича бош мутахассиси Муҳиддин Нажмиддинов, иш юритувчи Муҳиддин Ҳайдаров ҳамда пайвандчи Равил Юнаев.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Вилоят ҳокимлигида

БОЛАЛАР ЁЗИ МАРОҚЛИ ЎТАДИ

Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича вилоят доимий комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокимининг ўринбосари, доимий комиссия раиси Наримон Ҳайиткулов олиб борди.

Йиғилишда комиссия аъзолари, тегишли ташкилот ва муассаса раҳбарлари, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда тармоқ тузилмалари масъул ходимлари, айрим корхона, ташкилот ва оромгоҳ раҳбарлари, шунингдек, шаҳар ва туман ҳокимларининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари қатнашишди.

Комиссия болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш мавсумига тайёргарлик кўриш, шунингдек, уни муваффақиятли ўтказиш масалаларини муҳокама қилди. Ўтган йили вилоятимизнинг сўлим гўшаларида жойлашган 93 та, шу жумладан 14 та шаҳардан ташқаридаги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, 79 та коллеж ва мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳларда 22 минг 354 бола дам олдирилди.

Болаларни оромгоҳларга жалб этишда кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандлари, вилоятдаги меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлари тарбияланувчиларига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда амалга оширилган ижобий ишлар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар атрофлича таҳлил этилди ва бу каби ҳолатларни бартараф этиш лозимлиги таъкидланди.

Бу йил вилоят бўйича 22 минг 350 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилиши назарда тутилган. Шуни ҳисобга олиб, йиғилишда мутасадди раҳбарларга муайян вазифалар топширилди. Болалар ёзни ҳар томонлама кўнгилли ўтказишлари учун барча имкониятларни ишга солиш лозимлиги алоҳида қайд этилди.

Ёзги соғломлаштириш мавсуми давомида санитария-эпидемиологик талаблар, осойишталик, ёнғин хавфсизлиги ва бошқа муҳим чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

«ОЛТИН ҚАЛАМ»НИНГ ЯНГИ СОҲИБЛАРИ

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида журналистика соҳасида "Олтин қалам" иккинчи Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

3 май – Жаҳон матбуот эркинлиги кунига бағишлаб ўтказилган мазкур тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этиш жараёнининг изчил амалга оширилишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс экани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимизда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим шарти бўлмиш матбуот, телевидение, радио, электрон оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналистлар ва техник ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишга катта эътибор қаратилаётир. Бугунги кунда юртимизда мингга яқин газета ва журнал, кўплаб радио ва телевидение каналлари, агентликлар ва интернет-нашрлар фаолият юритмоқда.

Мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳаётбахш ислоҳотларнинг тарғиботчисига айланди. Ҳозирги шиддатли даврда юз

бераётган воқеалар ҳақидаги ахборотларни аҳолига тезкорлик, аниқлик ва холислик билан етказиш оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига катта масъулият юкламоқда.

Кенг қамровли ислоҳотлардан кўзлаган бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдан иборат бўлиб, бу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг ролини янада фаоллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, икки йил бурун Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази ташаббуси билан мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида "Олтин қалам" Миллий мукофоти жорий этилди. Ўтган йили ана шу мукофот учун илк халқаро танлов бўлиб ўтган ва унинг ғолиблари – Ватанимизнинг иқтидорли, фаол журналистлари ҳамда мамлакатимиз ҳаётини холис ва ҳаққоний ёритган хорижлик қаламкашлар муносиб тақдирланган эди.

Жорий йилнинг бошида "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун навбатдаги халқаро танлов эълон қилинди. Таъкидлаш жоизки, бу йил танлов кўлами янада кенгайди – асосий йўналишлар, рағбатлантирувчи номинациялар ва ютуқли ўринлар, ғолибларга бериладиган пул мукофотлари миқдори анча ортди. Бу галги танлов иштирокчилари сони ҳам ўтган йилдагига нисбатан уч баравар кўп, унда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан 376 журналист 5 мингга яқин ижодий иши билан иштирок этди.

Биринчи марта энг яхши журналистик асар учун бош миллий мукофот таъсис этилди. Ушбу номинацияда ғолибликни қўлга киритган "Қашқадарё" газетаси таҳририяти – бош муҳаррири Нарзулла Равшанов – махсус диплом ҳамда энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдорида пул мукофотига сазовор бўлди.

Танловнинг асосий тўрт йўналишлари бўйича совриндорлар ҳам пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

ЎзА.

«Шунқорлар»

ҒОЛИБЛАР ЭРТАГА ТАҚДИРЛАНАДИ

Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақалари 11 йилдан буён узлуксиз ўтказиб келинмоқда.

Кеча Чирчиқ олий ҳарбий танк қўмондон-муҳандислик билим юртининг спорт мажмуасида ушбу анъанавий мусобақаларнинг 2007 йил республика финал босқичи бошланди. Унда вилоят босқичлари мусобақаларининг ғолиби бўлган жамоалар ўзаро куч синашмоқда.

Мусобақа қатнашчилари кеча беллашувларни бошлаш олдидан пойтахтдаги «Шаҳидлар хотираси хиёбони»га ташриф буюришиб ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйдилар.

Куннинг иккинчи ярмида жамоалар ҳарбий топография бўйича мусобақага киришишди. Иштирокчилар уч кун давомида тез тиббий ёрдам ва фуқаро ҳимояси, бир километрга югуриш, АКМ автоматини сочиб-йиғиш, нишонга ўқ отиш, турникда тортилиш, граната улоқтириш, ёзги биатлон, сиёсий ва ҳуқуқий билим каби ҳарбий-спорт турлари бўйича ғолиблик учун кураш олиб борадилар.

Бугун куннинг ярмида Чирчиқ олий ҳарбий танк қўмондон-муҳандислик билим юртида мусобақаларнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади. Спортчи ва ҳарбийларнинг кўргазмали чиқишлари, сафда ижро этиладиган қўшиқлар,

бўлимларнинг махсус кийимлари ва сафда юриш намойиши ҳамда альбомлар танловлари тантанали маросим дастуридан ўрин олган.

Шунингдек, мусобақа иштирокчилари кундузги қизғин беллашувлардан сўнг оқшомда мириқиб дам олишлари ва кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши томонидан тайёрланган маданий дастур намойиш этиб борилади.

Эртага уч кунлик мусобақаларга якун ясалади ва тантанали ёпилиш маросими ўтказилиб, ғолиблар тақдирланади.

Самад ЙЎЛДОШ.

НУРОНИЙЛАР ПОЙТАХТДА

«Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқаруви ва касаба уюшмалари қўмитаси ташаббуси билан корхонада узоқ йиллар ишлаган меҳнат фахрийлари ҳамда бир гуруҳ уруш қатнашчиларининг пойтахтга зиёрати уюштирилди.

Тошкентдаги «Чиғатой» қабристони, Республика кўргазмалар уйи ва Мустақиллик майдонидаги Мотамсаро Она ҳайкали мажмуаларида бўлган оқсоқоллар ўтганлар хотирасини ёдга олишди.

КУТУБХОНАГА ЯНГИ КИТОБЛАР

Пскент туманидаги 5-умумтаълим мактабида «Мактаб – кутубхона – оила – жамоат ташкилотлари» номли хайрия тадбири бўлиб ўтди.

Учта тизимда фаолият юритувчи мутахассислар ҳамда ўқувчиларнинг ота-оналари иштирок этган тадбирда баркамол авлоднинг маънавиятини юксалтиришда ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш, кутубхоналарнинг моддий таъминотини яхшилаш масалалари муҳокама этилди.

Шу куни мактаб кутубхонасига ҳомий ва мутасадди ташкилотлар ҳамда ота-оналар томонидан 510 дона турли адабиётлар тақдим этилди.

Ҳуррият МЎМИНОВА.

СУДЛАР ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ҳакамлик суди билан ҳамкорликда Олмалиқ шаҳар ҳокимлигида анжуман ташкил этди.

Унда йиғилганларга ҳакамлик судининг республикамиздаги фуқаролик, ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи, тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келадиган хўжалик ва кўчмас мулкка оид барча низоларни кўриб чиқишдаги вазифалари ҳақида атрофлича тушунча берилди.

Ибодилла МЎМИНОВ.

ЧИЗГИЛАРДА ҲАЁТ АКСИ

Тошкент туманидаги ёшларнинг ижтимоий хизматлар марказида «Тинчлик – энг олий неъмат» мавзуида деворга расм чизиш кўрик-танлови ўтказилди.

Танлов 25 майгача давом этувчи «Ёшлар ойлиги» доирасида ташкил этилиб, унда тасвирий ва амалий санъатга қизиқувчи 60 нафар ёш истеъдод эгалари қатнашди.

Уларнинг юрт, оила тинчлигига бағишлаб чизган расмлари ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди. Ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Саид ҲАСАНОВ.

ФЕРМЕР АЁЛЛАРГА МИКРОКРЕДИТ

Тошкентдаги «Radisson SAS» меҳмонхонасида мамлакатимиздаги фермер аёлларга микрокредитлар олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу тадбир ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фондининг «Бизнесга ўргатиш ва микрокредитлар тақдим этиш йўли билан Ўзбекистонда аёллар фермерлигини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида ўтказилди. Шунга мувофиқ республикадаги 70 та фермер хўжаликларига фаолиятларини янада ривожлантириш мақсадида 500 минг сўмдан «бошланғич капитал» ҳисобида маблағ ажратилди. Бундай танлов учинчи марта ўтказилаётган бўлиб, унинг навбатдаги босқичи сентябрь ойида бўлиб ўтади. Унда Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан «Микрокредитбанк» ва кредит уюшмалари ассоциацияси ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди билан ҳамкорликда 70 нафар фермер аёлнинг ҳар бирига 3 миллиондан 5 миллион сўмгача микрокредит ажратилиши кўзда тутилган.

9 май – Хотира Ва қадрлаш куни

САТРЛАРДА ЖЎШ УРГАН ТУҒЁН

«Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририятида ўтган ўн йилликлар мобайнида кўп журналистлар баракали ижод қилишди. Уларнинг касбга ва ҳаётга муносабатлари, ижодий салоҳиятлари ўзига хос бўлиб, бой тажрибалари, малака ва қобилиятлари яхлит бир ижодий мактабни шакллантиришга хизмат қилган. Ана шу устозлардан бири – иқтидорли журналист, ёзувчи ва драматург Босит Ҳалиловдир.

Б. Ҳалилов ҳамиша масалага ўткир кўз билан қарар, кутилмаган ҳолатлардан ўзига хос хулосалар чиқариб, мақолани шундай ёзардики, газетхон мириқиб ўқиб, ҳузур қиларди. 70-йиллари Бўка тумани раҳбарларидан бири шундай воқеани ҳикоя қилиб берган эди:

— Бир куни кечқурун эндигина бошланган йиғилишимизга Босит ака кириб келдилар. Бир чеккада жимгина ёзиб-чизиб ўтирдилар. Хўжалик раҳбарлари, мутахассисларимизда гап-сўз тўпланиб қолган эканми, кенгашимиз жуда чўзилиб кетди. Бир пайт Бўканинг у-бу томонларидан хўрозларнинг тонгги қичқириқлари қулоққа чалиниб қолди. Шу аснода хаёлимиздан бир фикр ўтди: «Қаранг-а, тонг отиб қолибди-ю, бизлар мажлисбозликдан бўшамабмиз».

Орадан икки-уч кун ўтгач, идорада шов-шув бўлиб кетди. «Тошкент ҳақиқати» газетасида «Хўрозлар қичқирганда» сарлавҳали катта танқидий мақола эълон қилиниб, туманимиздаги камчилик ва нуқсонлар кескин қораланган эди. Очиғи, Босит акага қойил қолганман ўшанда. Мақоланинг сарлавҳасини топиб қўйганлар. Ҳаммамиз уни ўқиб, тан берганмиз.

Б. Ҳалиловнинг ҳаётда ўз ўрнини эгаллаш жараёни осон кечмади. Болалар уйида тарбияланиб, етти йиллик мактабни битиргач, Тошкент корхоналаридан бирига оддий ишчи бўлиб кирди. Уни ҳамма нарса қизиқтирарди, кўп ўқирди, мақолалар ёзишни машқ қиларди. Корхонадаги устозлари, мураббийлари, ҳамкасб тенгдошлари ҳақида газеталарга мақолалар ёзарди. Ишчилар ҳаётини акс эттирувчи «Севги алпози» бир пардали пьесасини ёзиб, ишчилар клубида ўзи саҳналаштирган, бош ролни ҳам ўзи ижро этганди.

(Давоми 2-бетда).



Асли Рихсивой ота Бойматов бундан тўқсон йил муқаддам Паркент туманининг Заркент қишлоғида таваллуд топган. Буваси Ражаб бобо марғилонлик бўлиб, бу томонларга зиёрат баҳонасида келганда қишлоқнинг табиатию одамлари унга ёққан ва заркентлик Омонбиби исмли қизга уйланиб, қолиб кетган экан.

ЗАРКЕНТЛИК ПАҲЛАВОН

– Бувамнинг 4 ўғил, 2 қизи бўлиб, отам тўнғич фарзанд эканлар, – ҳикоя қилади оқсоқол. – Асосан боғдорчилик, чорвачилик билан шуғулланганлар. 16 ёшимда ота-онамдан айрилиб, 2 укам билан етим қолдик. Айни очарчилик пайтлари эди...

Укаларини бағрига олиб, гоҳ у-гоҳ бу қишлоқда яшаб юрган Рихсивой Бойматов урушнинг биринчи йилидаёқ фронтга жўнади.

Уруш тугаб, Рихсивой ака юртига соғ-омон кириб келди. Хўжаликда бригада бошлиғи бўлиб ишлай бошлади. Қирқ йил ҳалол меҳнат қилган Рихсивой Бойматов жамоада катта обрў-эътиборга сазовор бўлди. Пенсияга чиққанидан кейин ҳам уни ҳоли-жонига қўйишмади. Ота одамлардан ўз маслаҳатларини аямас, каттаю кичикка бирдай муомалада бўларди.

Рихсибой отанинг меҳнатлари муносиб тақдирланди. 1994 йили Ўзбекистон Президенти Фармони билан «Жасорат» медали, 1995 йили эса «Ғалабанинг 50 йиллиги» юбилей медали билан мукофотланди. Етти ўғил, бир қизни вояга етказиб, 60 дан зиёд невара ва эвараларга ҳам оналик, ҳам оталик, ҳам бувалик вазифасини ўтаётир.

– Мустақиллигимиз туфайли Президентимиз қарори билан асл деҳқонларга ер берилиб, ширкатлар фермер хўжаликларига айлантирилгани, ер ўз эгасини топганидан, халқимиз фаровон, тинч-тотув, осойишта яшаётганидан, иззату ҳурматда қарилик гаштини сураётганимиздан ниҳоятда бахтиёрмиз, – дейди Рихсибой ота каттакатта давраларда дуога қўл очар экан.

Раҳимжон ОРИПОВ.

Қарор ва ижро

АМНИСТИЯ – ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарори мустақил давлатимизнинг инсонпарварлик тамойилига изчил амал қилаётганлигининг ёрқин далили бўлди.

Жиноят содир этиб, қилмишига яраша жазога тортилган шахсларнинг гуноҳидан кечиш давлатимиз ҳамда халқимизнинг миллий хусусияти ва инсонпарварлик тамойилларига тамомила мос келади. Қолаверса, бу равон йўлдан адашиб, жиноят кўчасига кириб қолган айрим шахсларнинг тўғри ҳаётга қайтиши ва тузалиши учун берилган имкониятдир.

Қарор шу йилнинг 30 мартига қадар жиноят ишлари бўйича вилоят, туман ва шаҳар судлари томонидан биринчи босқичда 1366 нафар шахсга нисбатан қўлланилди. Булардан 11 нафари эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жинояти учун, 91 нафари биринчи марта ҳукм қилиниб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун озод қилинди.

Жиноят ишлари бўйича вилоят судлари томонидан ҳозирга қадар биринчи марта жиноят содир этган 1078 нафар аёл, 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшга тўлган эркаклар ва чет эл фуқароларига нисбатан юритилган жиноят ишлари уларнинг айблилик масаласи ҳал этилмасдан тугатилди.

Масалан, 1987 йилда туғилган З. Бектурсунов фуқаро А. Саидумаровга нисбатан безорилик қилганлигига оид жиноий иш жиноят ишлари бўйича Оққўрғон туман судининг ажрими билан қарорнинг 6-бандига асосан, унинг айблилиги ҳақидаги масала ҳал этилмасдан тугатилди. 2004 йил 2 августдан 2006 йил 1 февраль кунига қадар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси техника-назорат бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келган А. Рихсиев Ёшлар, талабалар, ўсмирлар тиббий марказида олиб борилаётган таъмирлаш ишларини назорат қилишда бепарволиккка, совуққонликка йўл қўйган. Шартнома асосида бажарилиши лозим бўлган ишларни тўлиқ текширмаган. Натижада давлат мулки талон-торож қилиниб, кўп миқдорда зарар етказилишига йўл қўйган. Жиноят ишлари бўйича вилоят судининг ҳукми билан А. Рихсиев қарорнинг 2-бандига асосан жазодан озод этилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Вилоятнинг туман, шаҳар судлари томонидан жами 102 нафар шахс амнистия тўғрисидаги қарорга асосан суд залидан озод этилди.

Қарорнинг 7-бандида жазодан озод қилинмайдиган шахсларга жазо муддатининг ўталмаган қисмини қисқартириш хусусида сўз юритилган. Ҳозирга қадар ушбу тоифадаги ишлар жиноят ишлари бўйича вилоят ҳамда туман, шаҳар судлари томонидан кўрилиб, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланган 138 нафар шахсга нисбатан жазо муддатлари тегишли тартибда қисқартирилди. Мисол учун, И. Холтоев Паркент шаҳар шоҳ бекатидаги ўзининг сомсахонасида 24,6 грамм «марихуана» гиёҳвандлик моддасини Б. Тўхтабоевга 35 минг сўмга сотаётган пайтда холислар иштирокида қўлга олинган. Жиноят ишлари бўйича вилоят судининг ҳукми билан унга нисбатан қарорнинг 7-банди «а» қисми татбиқ этилиб, тайинланган жазо муддати учдан бир қисмига қисқартирилган.

Аммо, амнистия тадбирлари тўғри йўлдан адашиб, жиноят кўчасига кириб қолган шахслар учун имконият эканлигини тушунмаётганлар ва тегишли хулоса чиқармаётганлар ҳам учрамоқда. Амнистия акти қўлланилиб, жазодан озод этилганлар орасида қайта жиноят кўчасига кираётганлар ҳам борлигини афсус билан таъкидлаш жоиздир. Шу ўринда амнистия тўғрисидаги қарор фақатгина бир маротаба қўлланилишини ёдда тутмоқ лозимлигини эслатиб ўтмоқчиман.

Мухтасар айтганда, мустақиллик йилларида қабул қилинаётган инсонпарварлик тамойилларига йўғрилган амнистия тўғрисидаги қарорлар мамлакатда суд-ҳуқуқ ислоҳотларини ўтказиш ва қонунларни эркинлаштириш босқичма-босқич амалга оширилаётганлигининг ёрқин ифодасидир.

Отабек РАҲИМОВ,
жиноят ишлари бўйича вилоят судининг судьяси.



Оққўрғон туманидаги 44-умумтаълим мактабида ўқувчиларни билимли, жисмоний ва маънавий етук қилиб тарбиялаш борасида ибратли тажрибалар тўпланган. Насиба Чинтошева, Саодат Хўжабекова, Осиёхон Холтўраева, Муҳаббат Нурова, Ёрқин Муродов каби ўқитувчилар, айниқса, юқори натижаларга эришмоқдалар.

СУРАТДА:
мактаб директори Саодат Муҳамедова (ўнгдан биринчи) бошланғич синф ўқитувчиси Насиба Чинтошеванинг дарс жараёнини назорат қилмоқда.
Пардабой ЭРГАШЕВ олган сурат.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

САТРЛАРДА ЖЎШ УРГАН ТУҒЁН

1934-1937-йиллари маданият газетасининг техникумлар бўлимини бошқарди. «Тошкент ҳақиқати» газетаси қайта ташкил этилаётган кезлари янги таҳририятга ишга таклиф қилинди. Унинг ҳақиқий журналистлик фаолияти шундан сўнг бошланди.

Ёзувчи ва журналист вилоят қишлоқларини эринмай кезар, воқеа-ҳодисаларни синчковлик билан кузатарди. Камчиликларни учратиб қолганида, сабабларини англаб етмагунича қўймасди.

Ўз нуқтаи назарини майингина ифодалайдиган бу устоз журналистни ҳамкасблари ниҳоятда қадрлашарди. Босит Ҳалилов қанотли, қуйма сарлавҳалар топишга, қайроқи гаплар тўқишга ниҳоятда уста эди. Ижодий жамоа йиғилишларидан бирида у шундай деган эди:

— Гоҳи ҳайрон қоламан, баъзи ҳамкасбларимиз мақолани ёзиб қўйиб, кейин сарлавҳа қидиришади. Ахир, ижодий иш дегани бунақа бўлмайди-да. Ижодкор бир жойга бориб, одамлар билан суҳбатлашиб, материални тўплаш пайтидаёқ ёзадиган мақоласини чуқур идрок эта олиши, хотирида пишириб, унинг сарлавҳасини ҳам топиб қўйиши керак. Чунки, ўрнига тушган сарлавҳа – ярим ютуқ, буни асло унутмаслик керак. Ижодкор мавзуни яхши билиши, факт ва рақамларни синчиклаб ўрганиши, таҳлил қилиши лозим. Шунда ёзиладиган мақоланинг ўзи сарлавҳани топиб беради. Сарлавҳа шундай қўйилсинки, унга кўзи тушган ўқувчи қизиқиб қолсин, мақолани ўқишга мажбур бўлсин.

Босит Ҳалилов журъатли ижодкор эди. Унинг учун ишда камчиликка йўл қўйганнинг амали, таниш-билишчилиги аҳамиятли эмасди. Жумладан, у ижодий сафарларининг бирида баҳорги экишни тезлаштириш ҳақида кўп гапирилиб, қатор-қатор қарорлар қабул қилиниб, лекин амалий қадамлар қўйилишидан дарак йўқлигини илғайди. Аҳволни чуқур ўрганиб, кескин танқидий мақола ёзади. У:

«Қарорлар чанг босиб
тортмада ётар,
Район раҳбарлари
ҳамон гап сотар»

деган шеърий мисралар билан якунланган. Табиийки, бу ҳам мақоланинг таъсир кучини ниҳоятда ошириб юборган.

Газета тахламларини кўздан кечирсангиз, унинг аксарият материаллари икки ёки тўрт қатор шеърий хулосалар билан якунланганлигини кўрасиз. Бу ҳам журналистик маҳоратнинг ўзига хос чўққиси эди.

Табиатан босиқ бу ижодкор туман ва қишлоқларни айланиб юриб, воқеа-ҳодисаларни кузатар, кишиларнинг, турли тоифа раҳбарларнинг ўзаро муносабатларини ўрганар, баъзан очерк ёки фельетон учун йиллаб факт тўпларди. Унинг «Дилшод қишлоғидан хат» очерки шу тариқа узоқ кузатишлар ҳосиласи бўлган. Гап шундаки, хўжаликни орқага тортиб, «ўтқазиб» қўйган кекса раҳбар ишдан олинади. Аммо ёш раҳбар олдинги раҳбар бригадирликда қолдирилишини истаб, ўз фикрини ўтказади. Бироқ, кекса, қолоқ фикрли, калта ўйлайдиган илгариги раҳбар ғайрат-шижоатли, ташаббускор ёш етакчи йўлига тўғаноқ бўлиб, панд бера бошлайди. Лекин у ҳаммасига чидаб, одамларни атрофига қовуштириб, хўжаликни қолоқлик ботқоғидан олиб чиқади. Деҳқонлар меҳнатларига яраша ҳақ ола бошлашади. Шундагина олдинги нўноқ раҳбар:

— Раисимиз ёш бўлса ҳам анча доно экан, — деб эътироф этади.

Моҳир очеркчи бир воқеа мисолида қолоқ фикр ва маънавий қашшоқлик билан янгилик, ақл-заковат ўртасидаги кураш жараёнини чуқур очиб бера олган. «Темурнинг ўғли», «Чолнинг ҳиммати», «Ҳакимжоннинг буваси» сингари очерклари ҳам ҳаётни, инсон тақдири ва хатти-ҳаракатини синчиклаб ўрганиш ҳосилаларидир. Уларда ажойиб фазилатли замондошлар образи яратилган.

Ўттиз йилга яқин умрини «Тошкент ҳақиқати» билан боғлаган журналист ҳаётни пухта ўрганиб бориб, бадиий ижодга қўл урди. Унинг қизиқарли ҳикоялари газеталарда эълон қилинди. Ижоди камол топиб, иқтидорли журналист драматургия соҳасида ҳам қалам тебратди. Босит Ҳалилнинг «Ошиқлар», «Даъвогарлар», «Совчилар», «Гулбаҳор қани?», «Раис уйланармиш», Ҳамид Ғулом билан ҳаммуаллифликда ёзилган «Шерали» сингари драматик асарлари республика ва бир қатор вилоятларнинг театрларида саҳналаштирилган. «Якка қайрағоч» қиссаси китобхонлар томонидан илиқ кутиб олинган. Уларда асосан қишлоқ ҳаёти акс эттирилиб, кишиларнинг ибратли образлари жонли, ёрқин гавдалантирилган эди.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИГУЛИК УМР

Инсон ҳаётида пасту баландликлар, синовли йўллар кўп учрайди. Тожибой Юсупов ҳам суронли йилларнинг синовларидан ўтиб, бугунги дориломон кунларда умр кечиришдек бахтга мушарраф бўлган табаррук замондошларимиздан бири. Ҳамкасблари унинг меҳнаткашлиги, ғайратини кўриб: «Сизга қойил қолиш керак» деб қўйишади.

Меҳнат фаолиятини 1944 йили Тошкент темир йўллари бошқармасида бошлаган Тожибой Юсупов турли йилларда ҳар хил ташкилотларда масъул вазифаларда ишлаб, тажриба орттирди. Бугун у «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг вилоят бошқармасида ходимлар билан ишлаш бўлими бошлиғи.

Суҳбатлашсангиз, бу кишининг ҳалоллигию диёнатини, яхшиликни ҳар доим биринчи ўринга қўядиган инсон эканлигини, энг муҳими, умр бўйи жамоат ишига бел боғлаб яшаганини ҳис қиласиз. Маҳалла оқсоқоли бўлган пайтларида «Бир болага етти қўшни — ота-она» мақолига амал қилди. Ўзи ҳам ёшларга маслаҳат берди. Ўрни келганда йўл-йўриқ кўрсатишга эринмади.

У кишининг оилавий ҳаётига ҳам кўпчилик ҳавас билан қарайди. Олти нафар фарзандга яхши тарбия бериб, уларни эл қаторига қўшди, бугун невара-чевараларига ҳам эзгуликдан сабоқ бераётир. Ундаги меҳнатсеварлик оила аъзоларига ҳам кўчган. Тўнғич фарзанди Адҳамбек етук олим, иқтисод фанлари доктори, профессор. Кейинги фарзандлари ҳам унинг изидан бориб, олий маълумотли мутахассис сифатида халқ хўжалигининг турли тармоқларида масъул лавозимларда ишлаб келишаётир. Тўғри ишлаш, тўғри сўзлаш, ҳалол меҳнат қилиш улар учун ҳам энг яхши фазилат саналади.

Бугун биз Тожибой аканинг умр дафтари саҳифаларини варақлаб, у киши билан суҳбатлашиб, орамизда шундай ажойиб фазилатли одамлар борлигидан севиндик. Инсоннинг бахти чин маънода атрофидагиларнинг тилида, дилида яхши одам деган таассурот қолдиришида эканлигига ишондик.

Гулбаҳор ОРТИҚҲЎЖАЕВА.

Асли касби қурувчи-муҳандис Муртазо Султоновнинг ҳаётдаги шиори ҳақиқатан ҳам шундай. У доимо эл орасида: каттага ҳурмат, кичикка иззатда бўлиш, ҳамроҳига доимо оқибат кўрсатиш, натижада унинг яқин дўстига айланиб қолишдек жиҳатлари билан ҳам кўпчиликнинг юрагидан жой топа олган сахийқалб инсон. Қолаверса, қаерда, қандай вазифада ишламасин, доимо масъулиятли ходим, раҳбар сифатида эътироф этиб келинган. Ёзувчи Ўткир Ҳошимов таъкидлаганларидек, «эл ичига сингиб кетган одам».



«ОДАМЛАРНИ СЕВИБ ЯШАЙМАН»

Муртазо аканинг қурувчи-муҳандис, иқтисодчи, яна бир касби журналистлиги ўз йўлига, аммо ишнинг кўзини биладиган, узоқни кўра олувчи, ходимларининг яқин дўстига айланган зукко раҳбар эканлиги ҳам бор гап. Қурилиш соҳасидаги масъул лавозимларда, халқ таълими вазирининг ўринбосари, «Тижорат» очиқ акциядорлик жамиятида департамент бошлиғи вазифасида ишлаган йилларини ҳар бир жамоа аъзоси хайрихоҳлик билан эслайди. Муртазо Султоновнинг номини ҳурмат билан тилга олади. Айниқса, мустақиллик йилларидаги қизғин меҳнат фаолияти давомида қатор-қатор янги, муҳташам мактаб бинолари қуриб, фойдаланишга топширилганлигини ва бу қурилишларда ўзининг ҳам камтарин ҳиссаси борлигини ғурур ва ифтихор билан сўзлайди. Аслида, кўпчиликка бош бўлиш, раҳбарлик қилиш учун лаёқат, уқув бўлиши керак. Моҳир раҳбар Муртазо Султонов ўз жамоаси, ҳамкасблари манфаатлари йўлида елиб-югуришдан чарчамайдиган, ҳожатбарор инсон.

— Ходимлар ўз вазифаларини раҳбардан ҳайиқиб эмас, ўзаро ҳурмат-эътибор юзасидан бажаришгани маъқул, — дейди Муртазо ака. — Раҳбарнинг меҳр-мурувватидан баҳраманд инсонларнинг ўз вазифасига муносабати ҳам шунга яраша бўлади, бурчдорлик ҳисси кучаяди.

Ҳа, ҳаёт йўлининг ўнқир-чўнқирлари, турфа чиғириқларида тобланиб, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлишнинг ҳузур-ҳаловати ўзгача. Нуроний ёшида ҳам тиниб-тинчимай, халқ хизматига камарбаста бўлиб юрган «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи», олим ва журналист Муртазо Султонов каби инсонлар ҳаёти кўпларга ибрат бўлишга арзийди.

Умида АБДУҲОШИМОВА.

Пилла – 2007

ТЎРТИНЧИ ЁШДА ПАРВАРИШЛАНАЯПТИ

Чиноз тумани пиллакорлари бу йил давлат эҳтиёжи учун 128 минг 900 килограмм «кумуш тола» етказиб бериш мажбуриятини олганлар.

Бу жараёнга 560 та фермер хўжаликларининг 2100 дан ортиқ аъзолари жалб қилинган. Махсус 14 та инкубацияда жонлантирилган 2400 қути қурт уруғи пиллакорларга барвақт тарқатилиб, ҳозир уларнинг 740 таси учинчи, қолганлари эса тўртинчи ёшда парваришланяпти.

— Пиллачилик нозик, масъулиятли иш, — дейди туман бош пиллахонаси раҳбари Убайдулла Мирсобиров. – Шуни инобатга олиб, ҳар 50 қутига бир бригадир, ҳар икки юз қутига бир агроном тайинладик. Уларни уч ойлик мавсумий иш билан таъминлаш баробарида режанинг уддаланишига қараб, қўшимча рағбатлантирамиз.

Ҳар йили маҳаллий уруғ парваришланарди. Бу мавсум улар Хитойдан келтирилди. Уларнинг маҳсулдорлиги эса 60 килограммдан кам бўлмайди.

Илгари туманимиздаги мавжуд тутзорлар 305 гектар эди. Бу йил қўшимча 30 гектар майдонга тут кўчатлари экилди. Шу билан бирга 40 та фермер хўжаликларини асосан тутчилик ва пиллачиликка ихтисослаштириш режалаштирилган.

— Ҳар мавсум туман хирмонига ўртача 2,3 тонна пилла берамиз, — дейди фермер Муқим Эрхўжаев. – Барча аъзоларимиз моддий-техник ресурсларга эга. Айни дамда хўжалигимизнинг 20 ишчиси тутзорларимизга агротехник ишлов бериш билан банд. Уларга 25 минг сўмдан бўнак пули бердик.

Мўмин ИБОДОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Тошкент вилояти аҳолиси диққатига!

Почта алоқаси бўлимлари ва почтальонлар томонидан 2007 йил апрель ойи пенсия ва нафақа пуллари пенсионерларга тўлиқ етказилган.

Жорий йилнинг апрель ойи пенсия ва нафақа пуллари етказилиши таъминланмаган ҳолатлар бўлса 50-04-43, 50-93-94 ва 50-03-71 рақамли телефонлар орқали "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиалига мурожаат қилишингизни сўраймиз.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Тошкент филиали маъмурияти.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига "Олмалиқ тоғ металлургия комбинати" ОАЖ ёрдамчи хўжалигининг Тошкент вилояти, Оҳангарон туманида жойлашган қуйидаги мулклари қўйилмоқда:

1. Саноат товарлари павильони. **Бошланғич баҳоси – 980 898,05 сўм.**
2. КРС маиший корпус биноси (ўраб турган девор билан бирга). **Бошланғич баҳоси – 1 192 460,04 сўм.**
3. Идора биноси. **Бошланғич баҳоси – 19 151 237,60 сўм.**
4. 2,5 гектар майдондаги 3218 туп теракдан иборат бўлган теракзор. **Бошланғич баҳоси – 35 442 972 сўм.**
5. 2,2 гектар майдондаги 1109 туп теракдан иборат бўлган теракзор. **Бошланғич баҳоси – 12 214 498 сўм.**
6. 2,2 гектар майдондаги 3887 туп теракдан иборат бўлган теракзор. **Бошланғич баҳоси – 41 289 141 сўм.**
7. Г. Умаров қарамоғидаги Ургаз-сой қўраси, тураржой биноси, жами 291 бош қўй-қўзилар. **Бошланғич баҳоси – 16 892 438,51 сўм.**
8. Ё. Артиков қарамоғидаги Ургаз-сой қўраси, тураржой биноси, жами 334 бош қўй-қўзилар. **Бошланғич баҳоси – 17 678 423,46 сўм.**
9. Ф. Сулаймонов қарамоғидаги Ургаз-сой қўраси, тураржой биноси, жами 139 бош қўй-қўзилар. **Бошланғич баҳоси – 9 660 675,70 сўм.**
10. М. Рахманов қарамоғидаги Ургаз-сой қўраси, тураржой биноси, жами 225 бош қўй-қўзилар. **Бошланғич баҳоси – 11 988 663,42 сўм.**
11. А. Турдибаев қарамоғидаги Ургаз-сой қўраси, тураржой биноси, жами 199 бош қўй-қўзилар. **Бошланғич баҳоси – 9 900 758,95 сўм.**
12. Н.Султанов қарамоғидаги Ургаз-сой қўраси, тураржой биноси, жами 230 бош қўй-қўзилар. **Бошланғич баҳоси – 14 470 886,94 сўм.**
13. А. Наврўзқулов қарамоғидаги Ургаз-сой қўраси, тураржой биноси, жами 283 бош қўй-қўзилар. **Бошланғич баҳоси – 14 223 014,17 сўм.**
14. А. Фозилов қарамоғидаги Ургаз-сой қўраси, жами 169 бош қўй-қўзилар. **Бошланғич баҳоси – 8 914 393,21 сўм.**
15. А. Исманалиев қарамоғидаги Саукбулаксой қўраси, тураржой биноси, жами 344 бош қўй-қўзилар. **Бошланғич баҳоси – 16 150 789,22 сўм.**
16. Ю. Хайдаров қарамоғидаги Саукбулаксой қўраси, тураржой ва бостирма бинолари, жами 38 бош қўй-қўзилар. **Бошланғич баҳоси – 3 376 842,10 сўм.**
17. У. Ибрагимов қарамоғидаги Саукбулаксой қўраси, бостирма биноси, жами 206 бош қўй-қўзилар. **Бошланғич баҳоси – 12 621 797,11 сўм.**
18. И. Худайбердиев қарамоғидаги қўра, тураржой ва бостирма бинолари, жами 235 бош қўй-қўзилар. **Бошланғич баҳоси – 12 599 894,08 сўм.**
19. Д. Алиев қарамоғидаги Саукбулаксой қўраси, тураржой биноси, жами 243 бош қўй-қўзилар. **Бошланғич баҳоси – 14 776 705,99 сўм.**
20. С. Тагиров қарамоғидаги Саукбулаксой қўраси, тураржой ва бостирма бинолари, жами 323 бош қўй-қўзилар. **Бошланғич баҳоси – 15 470 321,41 сўм.**
21. Б. Исаков қарамоғидаги Саукбулаксой қўраси, тураржой биноси, жами 243 бош қўй-қўзилар. **Бошланғич баҳоси – 11 572 273,97 сўм.**
22. У. Султанов қарамоғидаги от-товар фермаси, тураржой ва бостирма бинолари, жами 337 бош қўй-қўзилар. **Бошланғич баҳоси – 17 442 001,06 сўм.**
23. Р. Юнусов қарамоғидаги от-товар фермаси, жами 147 бош қўй-қўзилар ва 31 бош отлар. **Бошланғич баҳоси – 32 367 598,27 сўм.**
24. С. Алиев қарамоғидаги қўра, тураржой ва бостирма бинолари. **Бошланғич баҳоси – 747 013,47 сўм.**
25. 2-бўлим гаражи (бостирма биноси, 2-бўлимнинг 1- ва 2-хоналари, қурилиши тугалланмаган турар-жой биноси, гаражни ўраб турган девордан иборат). **Бошланғич баҳоси – 17 601 594,19 сўм.**
26. Қурилиш цехи (Столяр цехи биноси, Столяр цехи бостирмаси, Столяр цехининг 1- ва 2-омборхоналари, ёғочга ишлов бериш ускунасининг бостирмаси, қоровулхона, қурилиш цехини ўраб турган девордан иборат). **Бошланғич баҳоси – 3 126 551,46 сўм.**

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 6, 13, 20 июнь кунлари соат 9.00 да, ушбу мулклар сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади. Қўй-қўзиларнинг бошини ўзгаришига қараб, мулклар бўйича бошланғич баҳосига ўзгартириш киритилиши мумкин. Ушбу ўзгаришлар ҳақида газетанинг навбатдаги сонларида қўшимча хабарнома чоп этилади.

Аукцион савдолари Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Қуюн қўрғони манзилидаги "Олмалиқ тоғ металлургия комбинати" ОАЖ Ёрдамчи хўжалиги ("Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхонаси")нинг бошқармаси биносида ўтказилади.

Аукцион савдосида қўраларни харид қилган харидорлар харид қилинган мулклар негизида янги фермер хўжаликларини ташкил этишни ўз зиммаларига оладилар.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ "Ипотекабанк"нинг Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, М. Ўразбоев кўчаси, 1-а уй.
Телефонлар: 399-79-52, 399-84-48.
Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 № 000004.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 7

O'ZBEKISTON

15.00 «Таҳлилнома».
15.45 «Ватанпарвар».
16.45 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Ахборот».
17.10, 18.35, 19.10, 20.00, 21.35, 00.05, 4.30 ТВ анонс.
17.15, 1.30 Олтин мерос.
17.25 «Зиёбахш инсон».
17.45, 3.50 «Марғилон-2000».
17.50 «Қонун ҳимоясида».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Сиз билган ва билмаган».
18.40 «Ошин».
19.15 «Молия ва банк хабарлари».
19.20, 20.50, 00.55, 3.55 Иқлим.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Оила ришталари».
21.40 «Мардлар мактаби».
22.05 «Икки тақдир».
22.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат».
23.00, 5.05 «Алишер Навоий».
23.30, 4.35 «Икки дарё оралиғида».
23.50 Тунги наволар.
00.10 «Минг бир ривоят».
00.15 «Буюк аждодларимиз».
00.35 «Ўзбекистон қўриқхонаси».
1.40 «Чемпион сирлари».
2.00 Опера «Майсаранинг иши».
3.30 «Рангин дунё».
4.55 «Минг бир ривоят».
5.35 Тонгги наволар.

YOSHLAR

7.00, 14.00 «Янги тонг».
9.00, 13.30 «Даврнинг боласи».
9.15 «Нафосат олами».
9.25, 20.50 «Ватаним!».
9.30 «Journal».
9.50 «Пойтахтдан йирокда».
10.10 «Илҳомбахш онлар».
10.40 «Матонат».
10.55 «ТВ-анонс».
11.00 «Ватан».
12.40 «Ғазал мулки».
12.55, 15.55, 18.55, 21.55 «Иқлим».
13.00 «Давр ҳафта ичида».
13.45 «Ойболанинг саргузаштлари». М/с.
13.55, 17.40 «Кино-SMS».
15.00 «Сув».
15.50 «Замонлар оша келажак сари».
16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
16.15 «Табассум қил!».
16.20 «Қадаҳ». В/ф.
17.20 «Самарқанд – 2750 ёшда!».
17.25 «Хазина».
17.45 «Паноҳ».
18.00 «Мўъжизавий дунё».
18.25, 20.25 «UzEX хабарлари».
18.35 «Ғазал мулки».
18.45 «ТВ-банк».
19.30 «Ёмғир симфонияси».
20.10, 22.30 «SMS-мусиқа».
20.30 «Тасвир ва таассурот».
20.45 «Омон бўлинг!».
20.50 «Зерда».
21.30 «Ёшлик наволари».
21.40 «Мафтункор ва бетакрор!».
22.45 «Галактика».
23.40 «Таскин».

TOSHKENT

17.55 М/ф «Шумтакалар».
18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.25, 22.25 «Биласизми?».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.45, 20.15, 21.25, 21.45, 22.45 «Анонс».
18.50 «Гвадалупе».
19.30 «Музыка SMS».
19.50 «Будьте здоровы».
20.20 Голубая планета: «Приливные моря».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
22.10 «Аёл қалби».
22.50 Кино «Бездна».

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.05 «Малахов +».
9.00 «Талкин».
9.30 «Детективы».
10.00 «Версия».
10.30 «Мониторинг».
10.50 Кураш. Чемпионат Узбекистана.
18.00 «Детский спорт».
18.20 «Тет-а-тет».
18.30, 21.30 «Хабарлар».
18.50 «Народные игры».
19.10 «Жди меня».
20.00 «Вести».
20.20 «Музыкальный тайм».
21.00 Футбольное обозрение.
21.50 Комедия «Говорящая обезьяна».
23.10 ПрофРИНГ.

СЕШАНБА 8

O'ZBEKISTON

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 3.00, 4.00 «Ахборот».
8.35, 9.15, 10.20, 11.10, 12.10, 13.00, 14.15, 17.10, 18.00, 20.00, 21.35, 24.00, 3.10, 4.30 ТВ анонс.
8.40, 13.45, 17.15, 1.30 Олтин мерос.
8.50 «23,5 даража бурчак остида».
9.20 «Олтин тож». Телемусобақа. «Қулол». М/ф.
10.25 «Умр мазмуни».
10.50 «Молия ва банк хабарлари».
10.55, 13.55, 19.20, 20.50, 00.55, 3.55 Иқлим.
11.15, 20.05 «ТВ шифокор».
11.20, 20.10 «Оила ришталари».
11.55 «Самарқанд – 2750».
12.15 «Ҳаёт манзаралари».
12.25, 3.15 «Назм ва наво».
13.05, 22.00 «Икки тақдир».
14.20 «Солдат қиссаси». Х/ф.
15.45 «Дил таронаси».
15.50 «Давосиз дард бўлмас». Х/ф.
16.15 «Ақл ва идрок».
16.35, 3.50 «Марғилон – 2000».
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.25 «Зиёбахш инсон».
17.45 ИИВ хабарлари.
18.05 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
18.25 «Оҳанглар оғушида».
18.35 «Сизнинг адвокатингиз».
18.40 «Ошин».
19.10 «Банк ва мижоз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
21.40 «Агроминитех – 2007».
22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат».
23.00, 5.05 Сериал«Алишер Навоий».
23.30, 4.35 «Икки дарё оралиғида».
23.50 Тунги наволар.
00.05 «KINOMANIYA».
00.35 «Истеъдод».
1.40 «Янги кун».
2.40 «Ўзбекистон қўриқхонаси».
4.55 «Минг бир ривоят».
5.35 Тонгги наволар.

YOSHLAR

7.00, 14.00 «Янги тонг».
9.00, 13.15 «Даврнинг боласи».
9.15, 20.45 «Омон бўлинг!».
9.20, 19.30 «Ёмғир симфонияси».
9.55, 15.55, 18.55, 21.55 «Иқлим».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.15, 18.00 «Мўъжизавий дунё».
10.40 «Интерфутбол».
12.10 «Ишқ ва наво».
12.20, 20.50 «Зерда».
12.55 «Ватаним!».
13.30 «Ойболанинг саргузаштлари». М/с.
13.40 «Шум болалар».
13.50 «ТВ-банк».
15.00 «Томчининг саргузаштлари».
15.50 «Замонлар оша келажак сари».
16.15 «Табассум қил!».
16.20 «KINOMANIYA».
16.50 «Мурувват».
17.00 «Ватанпарвар».
18.25 «Автопатруль».
18.40 «Ғазал мулки».
20.10 «JOKER».
20.15 «Тақдир».
21.35 «Ёшлик наволари».
22.30 «SMS-мусиқа».
22.45 «Галактика».
23.40 «Таскин».

TOSHKENT

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 10.30, 11.25, 18.45, 20.15, 21.25, 21.45, 22.45 «Анонс».
8.35, 18.50 «Гвадалупе».
9.15, 21.00 «Жозиба».
9.30, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.50, 18.25, 22.25 «Биласизми?».
9.55 «Аёл қалби».
10.10, 19.30 «Музыка SMS».
10.35, 20.50 «Интервью».
10.45 «Будьте здоровы».
10.55 «Всё о туризме».
11.30, 22.50 Кино «Бездна».
17.55 М/ф «Шумтакалар».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Ҳимоя».
20.20 Голубая планета: «Побережье».
22.10 «Премьера».

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.05 «Малахов +».
9.00, 9.50, 21.30 «Хабарлар».
9.20 «Детективы».
10.10 Международный турнир по греко-римской борьбе.
10.40 Бокс.
11.10 Кураш.
18.00 «Спорт – моя жизнь».
18.15 «Универсиада - 2007».
18.50 «Сам себе режиссёр».
19.30 Дневник Лиги чемпионов.
20.00 «Вести».
20.20 «Музыкальный тайм».
20.40 «Король ринга».
21.50 Приключенческий экран: «Параграф - 78».
23.15 Еврофутбол. Чемпионат Украины.

ЧОРШАНБА 9

O'ZBEKISTON

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 10.20, 14.00, 18.00, 20.00, 21.35, 00.25, 1.00, 4.00, 4.30 ТВ анонс.
8.40, 16.50, 1.30 Олтин мерос.
8.50 «Савоб».
9.15, 11.55, 15.45, 17.15 Эски альбом.
9.20 Ўйла, Изла, Топ!». «Турон ботир». М/ф.
10.25, 00.30 «Хотира майдони».
10.40 «Ой бориб омон қайт». Х/ф.
12.00 «Ягона оилада».
12.20, 20.10 «Оила ришталари».
12.55 Ватан ҳақида қўшиқлар.
13.05 «Хотира». В/ф.
13.50, 00.45 «Тамарахоним». Фильм-концерт.
14.05 «Муҳаббат можароси». Б/ф.
15.25 «Яхшилар ёди».
15.50 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
17.20 «Ўлмас наволар».
18.05, 2.40 «Сен етим эмассан». Б/ф.
19.20, 20.50, 00.55, 3.55 Дунё иқлими.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
20.05 «ТВ шифокор».
21.40 Эркин мавзу.
22.10 «Жангчига совға». Б/ф.
22.55 «Қўшиғимсан, муҳаббат».
23.10, 5.05 «Алишер Навоий».
23.45, 4.35 «Икки дарё оралиғида».
00.05 Тунги наволар.
1.40 «Янги кун».
4.55 «Минг бир ривоят».
5.40 Тонгги наволар.

YOSHLAR

7.00, 14.00 «Янги тонг».
9.00, 13.15 «Даврнинг боласи».
9.15 «Орзулар майдони».
9.45 «Мурувват».
9.55, 15.55, 18.55, 21.55 «Иқлим».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.15 «Тақдир».
10.45 «Ватанпарвар».
11.45 «Фарҳоднинг жасорати».
12.55 «Ватаним!».
13.30 «Ойболанинг саргузаштлари». М/с.
13.40 «Оқ кабутар».
15.00 «Зооолимпиада!».
15.50 «Замонлар оша келажак сари».
16.15 «Табассум қил!».
16.20 «Парвона».
18.20 «ТВ-анонс».
18.25 «Истиқбол тимсоллари».
18.35 «Ғазал мулки».
19.30 «Оқ кабутар».
19.50 «Ёшлик наволари».
20.10 «Спорт-лото».
20.20 «KINOMANIYA».
20.45 «Чинор остидаги дуэль».
22.30 «SMS-мусиқа».
22.45 «Галактика».
23.40 «Таскин».

TOSHKENT

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 15.50, 18.45, 21.25, 21.45 «Ҳамон ёдимизда».
8.35, 18.50 «Гвадалупе».
9.15, 21.00 «Жозиба».
9.30, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.50, 18.25, 22.25 «Биласизми?».
9.55 Кино «Бардош».
11.00 «Ҳимоя».
11.10, 20.15, 22.45 «Анонс».
11.15 М/ф «Дамбо».
12.20, 19.30 «Музыка SMS».
12.40 Кино «Бездна».
14.00, 20.50 «Репортаж».
14.10 М/ф Делай ноги».
15.55 «Премьера».
16.10 Кино «Келгинди куёв».
17.55 М/ф «Шумтакалар».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Муқаддас қадамжолар».
20.20 Голубая планета: «Побережье».
22.10 Телефильм «Ҳаёт йўллари».
22.50 Кино «Большая прогулка».

SPORT

8.00 «Бодрое утро».
9.00, 9.50, 21.30 «Хабарлар».
9.20 «Детективы».
10.10 «Сўнмас сиймолар».
10.30 Бокс.
12.10 Кураш
12.40, 19.30 «Линии судьбы».
16.30 Футбол. Лига чемпионов Азии.
18.55 «Вокруг света».
19.50 «Вести».
20.05 «Ватан». Х/ф.
21.50 «Меҳри дарё эди».
22.05 «В бой идут одни старики». Х/ф.
23.35 Футбол мундиал.
23.55 Еврофутбол. Чемпионат Англии.

ПАЙШАНБА 10

O'ZBEKISTON

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 3.00. 4.00 «Ахборот».
8.35, 10.05, 11.10, 12.10, 13.00, 14.15, 16.20, 17.10, 20.00, 21.35, 00.15, 4.30 ТВ анонс.
8.40, 13.45, 1.30 Олтин мерос.
8.50 «23,5 даража бурчак остида».
9.15 «Қувноқ стартлар». «Бизнинг кутубхона».
10.15 F. Тошматов номидаги дуторчилар ансамблининг концерти.
10.35 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
10.55, 13.55, 19.20, 20.55, 00.55, 3.55 Дунё иқлими.
11.15, 20.05 «ТВ шифокор».
11.20, 20.10 «Оила ришталари».
11.55 «Самарқанд – 2750».
12.15, 00.35 «Навбаҳор».
12.35, 00.20, 4.55 «Минг бир ривоят».
12.40 «Одамлардан бири».
13.05, 22.00 «Икки тақдир».
14.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Дил таронаси».
15.20 «Ватанпарвар».
16.25 «Ҳамкорлик ришталари».
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.15 Эски альбом.
17.20 «Имконият».
17.40, 3.10 «Марғилон – 2000».
17.45 «Шифокор қабулида».
18.10 «Оҳанглар оғушида».
18.20 «Сиёсат оламида».
18.40 «Ошин».
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.15 «Молия ва банк хабарлари».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
21.40 «Янги оҳанглар».
22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат».
23.00, 5.05 «Алишер Навоий».
23.30, 4.35 «Икки дарё оралиғида».
00.25 «Мисли гавҳар».
1.40 «Янги кун».
2.40 «Одамлардан бири».
3.15 «Ўлмас наволар».

YOSHLAR

7.00, 14.00 «Янги тонг».
9.00, 13.15 «Даврнинг боласи».
9.15, 20.45 «Омон бўлинг!».
9.20, 19.30 «Ёмғир симфонияси».
9.55, 15.55, 18.55, 21.55 «Иқлим».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.15, 18.00 «Мўъжизавий дунё».
10.40 «Шум бола».
12.10 «Ишқ ва наво».
12.20, 20.50 «Зерда».
12.55 «Ватаним!».
13.30 «Ойболанинг саргузаштлари». М/с.
13.40 «Шоҳсупа».
15.00 «Келажак ғаройиботлари».
15.50 «Замонлар оша келажак сари».
16.15 «Табассум қил!».
16.20 «Ўлмас мусиқа».
16.35 «Автопатруль».
16.50 «Солиқ хизмати хабарлари».
17.00 «Қадимий ва афсонавий Марғилон!».
17.35 «Кино-SMS».
17.40 «Чемпион сирлари».
18.25 «Нафосат олами».
18.35 «Ғазал мулки».
20.10, 22.30 «SMS-мусиқа».
20.20 «Жасорат».
20.40 «ТВ-анонс».
21.35 «Ёшлик наволари».
22.45 «Галактика».
23.40 «Таскин».

TOSHKENT

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 10.15, 10.50, 18.45, 20.15, 21.25, 21.45, 22.45 «Анонс».
8.35, 18.50 «Гвадалупе».
9.15, 21.00 «Жозиба».
9.30, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.50, 18.25, 22.25 «Биласизми?».
9.55 «Мукаддас қадамжолар».
10.05 «Камер жамоасининг концерти».
10.20 «Интервью».
10.30, 19.30 «Музыка SMS».
10.55, 22.50 Кино «Большая прогулка».
17.55 М/ф «Шумтакалар».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Экономическое ревью».
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар».
22.10 «Келажакка интилиб».

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.05 «Малахов +».
9.00, 9.50, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
9.20 «Детективы».
10.10 Международный турнир по греко-римской борьбе.
10.40 Бокс. Чемпионат Узбекистана.
11.10 Теннис.
18.00 «Детский спорт».
18.15 «Гейм – Сет - Матч».
18.50 «АвтоГРАФ».
19.10 «Живите долго».
19.35 «Восточные единоборства».
20.00 «Вести».
20.20 «Музыкальный тайм».
20.40, 21.50 «Король ринга».
22.20 «Беллашув».
23.10 Еврофутбол. Чемпионат Италии.

ЖУМА 11

O'ZBEKISTON

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Ахборот».
8.35, 9.15, 10.00, 11.10, 13.00, 14.15, 20.00, 21.35, 00.25, 4.30 ТВ анонс.
8.40, 17.10, 1.30 Олтин мерос.
8.50 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида».
9.20 «Цирк, цирк, цирк». «Болалар дунёси».
10.05 «Табаррук замин».
10.35 «Ҳаёт манзаралари».
10.45 «Молия ва банк хабарлари».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55, 13.55, 19.20, 20.50, 00.55, 3.55 Дунё иқлими.
11.15, 20.05 «ТВ шифокор».
11.20, 20.10 «Оила ришталари».
11.55 «Самарқанд – 2750».
12.00 «Юртим бўйлаб» дастури: «Баркамол авлод».
12.10 «Унутмоқ осонмас».
13.05, 22.05 «Икки тақдир».
13.45 «Зилол». Фольклор қўшиқлари.
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сувости саргузаштлари».
15.10 «Меҳрим сен билан». Видеофильм.
16.25 Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
16.45 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.15 «2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили». «Саломатлик» дастури.
17.35 «Бир асар тарихи».
17.55 «Оҳанглар оғушида».
18.00, 00.35 «Кўҳна ва навқирон Марғилон».
18.20, 00.30, 4.55 «Минг бир ривоят».
18.25 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
18.45 «Ошин».
19.15 «Бизнес янгиликлари».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
21.40 «Бекат».
22.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш).
23.05, 5.05 «Алишер Навоий».
23.40, 4.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида».
24.00 Тунги наволар.
1.40 «Янги кун».
2.40 «Дунё таомлари».
3.00 «Меҳр қолур». Видеофильм.
5.40 Тонгги наволар.

YOSHLAR

7.00, 14.00 «Янги тонг».
9.00, 13.15 «Даврнинг боласи».
9.15, 20.45 «Омон бўлинг!».
9.20, 19.30 «Ёмғир симфонияси».
9.55, 15.55, 18.55, 21.55 «Иқлим».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.15, 18.00 «Мўъжизавий дунё».
10.40 «Интерфутбол».
12.10 «Ишқ ва наво».
12.20, 20.50 «Зерда».
12.55 «Ватаним!»
13.30 «Ойболанинг саргузаштлари». М/с.
13.40 «Болалар шеърияти».
13.45 «Болалар табассуми».
13.50 «Болажон».
15.00 «Келажак ғаройиботлари».
15.50 «Замонлар оша келажак сари».
16.15 «Табассум қил!».
16.20 «Қўзғу».
16.40 «Ёшлар адабиёти».
17.00 «Қадимий ва афсонавий Марғилон!».
17.35 «Кино-SMS».
17.40 «Бу шундай бўлган эди».
18.25 «Автопатруль».
18.40 «Ғазал мулки».
20.10 «Спорт-лото».
20.20 «Дунё таомлари».
20.40 «Мафтункор ва бетакрор!».
21.35 «Ёшлик наволари».
22.30 «SMS-мусиқа».
22.45 «Ҳаёт эртаги».
00.30 «Таскин».

TOSHKENT

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 10.40, 18.45, 20.15, 21.25, 21.45, 22.45 «Анонс».
8.35, 18.50 «Гвадалупе».
9.15, 21.00 «Жозиба».
9.30, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.50, 18.25, 22.25 «Биласизми?».
9.55 «Келажакка интилиб».
10.10, 19.30 «Музыка SMS».
10.30 «Экономическое ревью».
10.45 Кино «Большая прогулка».
17.55 «Афиша».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Саломат бўлинг».
20.20 Прогулка под водой: «Галапагасские острова».
20.50 «Репортаж».
22.10 «Маърифат фидойилари».
22.50 Кино «Ночь в музее».

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.05 «Малахов +».
9.00, 9.50, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
9.20 «Детективы».
10.10, 11.00 Футбол.
11.50 Кураш.
18.00 «Детский спорт».
18.15 «Музыкальный тайм».
18.55 «Поле чудес».
20.00 «Вести».
20.20 «Жигарим қалбимдасан».
21.50 «Стать ближе».
22.30 Драма «Мистификация».

ШАНБА 12

O'ZBEKISTON

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 14.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Ахборот».
8.35, 9.50, 10.55, 13.00, 14.15, 16.10, 17.25, 20.00, 21.35, 00.45, 4.30 ТВ анонс.
8.40, 13.45, 1.30 Олтин мерос.
8.50 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
9.25 «Шифокор қабулида».
9.55 «Ҳидоят сари».
10.15 «Чинсен». «Маврид».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20, 20.10 «Оила ришталари».
11.55 «Янги оҳанглар».
12.15 «Интеллектуал ринг».
13.05 «Икки тақдир».
13.55, 19.20, 20.50, 00.55, 3.55 Иқлим.
14.20 «Хонадон».
14.50 «Нодир шахс». Бадиий фильм.
16.15 «Ўйла, Изла, Топ!». Телемусобақа. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.15 «Сувни асранг!».
17.30 «Олтин бешик».
18.00 «Саломатлик сирлари».
18.20 «Оҳанглар оғушида».
18.35 «Меҳр кўзда».
19.15 «Суғурта оламида».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
20.05 «ТВ шифокор».
21.40, 2.35 «Шу азиз Ватан барчамизники». Марғилон – 2000.
23.00 «КиноТеатр».
23.20 «Қўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш).
23.30 «Сабрина». Бадиий фильм.
00.30 Тунги наволар.
00.50 «Минг бир ривоят».
1.35 «Янги кун».
4.35 Кино «Келинлар қўзғолони».
5.45 Тонгги наволар.

YOSHLAR

7.00, 14.00 «Янги тонг».
9.00, 13.15 «Даврнинг боласи».
9.15 «Омон бўлинг!».
9.20 «Ёмғир симфонияси».
9.55, 15.55, 18.55, 21.55 «Иқлим».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.15 «Мўъжизавий дунё».
10.40 «Мода ва дизайн».
11.00 «Дастхат».
11.40 «Автопатруль».
11.55 «Солиқ хизмати хабарлари».
12.05, 17.35, 18.40 «Кино-SMS».
12.10 «Ишқ ва наво».
12.20, 20.50 «Зерда».
12.55 «Ватаним!».
13.30 «Бола тилидан».
15.00 «Келажак ғаройиботлари».
15.50 «Замонлар оша келажак сари».
16.15 «Табассум қил!».
16.20 «Айланай».
16.40 «Жасорат».
17.00 «Қадимий ва афсонавий Марғилон!».
17.40 «Пойтахтдан йирокда».
18.00 «Саховат».
18.45 «Каталог».
19.30 «Ғазал мулки».
19.50 «Эверест».
20.30, 22.30 «SMS-мусиқа».
20.45 «ТВ-эълон».
21.35 «Ёшлик наволари».
22.45 «Ҳаёт пульти».
00.35 «Таскин».

TOSHKENT

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 10.15, 11.50, 12.15, 18.45, 19.55, 20.15, 21.25, 21.45, 22.45 «Анонс».
8.35, 18.50 «Гвадалупе».
9.15, 21.00 «Жозиба».
9.30, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.50, 18.25, 22.25 «Биласизми?».
9.55 «Маърифат фидойилари».
10.10 «Нима учун?».
10.50 Дилкаш наволар: Абдулла Убайдуллаев.
11.20 «Саломат бўлинг».
11.30, 19.30 «Музыка SMS».
11.55, 20.50 «Репортаж».
12.05, 17.55 «Афиша».
12.20 Кино «Ночь в музее».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
20.20 Прогулка под водой: «Карибы».
22.10 «Истеъдод».
22.50 Кино» Дублёр».

SPORT

7.30, 8.50, 21.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
9.15 «Смак».
9.55 «Жасур болалар».
10.25 Бокс. Чемпионат Узбекистана.
10.55 «Спорт моя жизнь».
11.15 «Иқтидор».
11.55 «Универсиада - 2007».
17.30 Футбол. Чемпионат Узбекистана.
19.20 «Военное дело».
19.40, 20.20 «Музыкальный тайм».
19.50 «Суперлото».
20.00 «Вести».
20.40 «Файзли ошхона».
21.05 «Звезды мирового спорта».
21.50 Кино «Без царя в голове».
23.15 Еврофутбол.

ЯКШАНБА 13

O'ZBEKISTON

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 «Ахборот».
8.35, 10.15, 11.35, 13.25, 16.20, 17.10, 21.45, 00.30, 4.40 ТВ анонс.
8.40, 1.30 Олтин мерос.
8.45 «Бемби». М/ф.
9.55 «Саломатлик сирлари».
10.20 «Сиз кутган учрашув».
11.00 «Оила ришталари».
11.40 «Янги оҳанглар».
12.00 «CINEMA.UZ».
12.25, 13.30 «Катта бойлик дардида». Бадиий фильм.
14.30 «Оддий ҳақиқатлар».
15.20 Ватан ҳақида қўшиқлар.
15.30, 1.40 «Олтин тож». Телевизион ўйин. «Ёлғончилар қасри». М/ф.
16.25 «Шўрданак».
16.50, 17.15 «Ҳамон ёдимда»
17.35 «Икки дил достони». Бадиий фильм.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20, 20.50, 00.55, 3.55 Дунё иқлими.
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 Эълонлар.
19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Таҳлилнома».
20.05 «50/50».
21.50 «Кўнгил қўшиқ истайди».
22.15 «Заковат».
23.15 «Сабрина». Бадиий фильм.
00.15 Тунги наволар.
00.35 «КиноТеатр».
2.15 «Халқ ўйинлари».
2.35 «Заковат».
3.35 «Минг бир ривоят».
3.40 «Кўҳна оҳанглар».
4.45 Кино «Ёр-ёр».
5.50 Тонгги наволар.

YOSHLAR

7.00 «Ёмғир симфонияси».
9.10, 12.05 «Кино-SMS».
9.15 «ТВ-анонс».
9.20 «Истиқбол тимсоллари».
9.30 «Болалар давраси».
10.00 «Ватанпарвар».
11.00 «Journal».
11.20 «Қилни қирқ ёриб».
12.10 «Ишқ ва наво».
12.20 «Зерда».
12.55 «Табассум қил!».
13.00 «Канонир Доласнинг саргузаштлари».
15.50 «Дунё таомлари».
16.10 «Нафосат олами».
16.20 «Чемпион сирлари».
16.40 «Ринг қироллари».
17.30 «Хотира саодати».
18.30 «Мафтункор ва бетакрор!».
18.35 «Ғазал мулки».
18.55 «Иқлим».
19.00 «Давр ҳафта ичида».
19.30 «Ёшлик наволари».
19.50 «Хаёлпарастлар».
20.10 «Ер сайёраси».
21.00 «Дилроз».
21.30 «KINOMANIYA».
22.00 «Ҳаёт гўзал».
24.00 «Таскин».

TOSHKENT

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 9.50, 10.30, 12.45, 14.35, 16.50, 20.05, 21.20 «Анонс».
8.35 «Гвадалупе».
9.15, 16.25 «Жозиба».
9.30, 12.50, 16.55 «Телекурьер маркет».
9.55 «Афиша».
10.05 «Умид юлдузлари».
10.20 «Интервью».
10.35 «Истеъдод».
10.50 Кино «Оцеола».
12.25 «Музыка SMS».
13.10 М/ф «Лесная Братва».
14.40 «Саргузаштлар ороли».
15.05 Кино «Дублёр».
17.15 Кино «Мен ва сен».
19.35 «Мулоҳаза учун мавзу».
20.10 Дилкаш наволар: Дилшод Шометов.
20.35 «Фаровонлик бекати».
20.50 «Всё о туризме».
21.25 Воскресный кинозал: «Последний Самурай».

SPORT

7.30, 8.50 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
9.10 «Непутёвые заметки».
9.30 «Пока все дома».
10.20 «Фазенда».
11.00 «Ваш соперник гроссмейстер».
11.20 «Файзли ошхона».
11.45 «До-ми-соль».
12.35 «Аптека слушает».
13.20 ПрофРИНГ.
18.00 «Детский мир».
18.20, 19.20 «Музыкальный тайм».
18.30 «Версия».
19.00 «Ровесник».
19.40 «Тайм-аут».
20.00 «Вести».
20.20 «Келин-куёв».
21.30 «Талқин».
22.00 «Электра». Х/ф.
23.35 Еврофутбол. Чемпионат Англии.

ХОНАДОНИНГИЗ ЁРУҒ, ҚАЛБИНГИЗ ЧАРОҒОН БЎЛСИН!

Миллионлаб йиллар мобайнида инсоният учун сув ва ҳаво энг зарур унсурлардан ҳисобланиб келган. Ҳозирги фан ва техника асрида, ахборот, коммуникация тизимлари беқиёс ривожланган даврда электр энергияси ҳам сув билан ҳаводек зарур неъматга, ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди.

Сув ва ҳаво табиий неъмат бўлса, электр энергияси инсон томонидан ўта мураккаб технологик жараёнларда ишлаб чиқарилади. Республикамизда истеъмол қилинаётган электр энергиясининг деярли 90 фоизи иссиқлик электр станцияларида газ, кўмир ва мазут ёқилиши ҳисобига ҳосил қилинади. Қолган ўн фоизигина дарёларда қурилган гидроэлектр станцияларда ишлаб чиқарилади. Истеъмолчиларга электр қуввати етказиб бериш учун ўн минглаб энергетиклар туну кун тинмай, машаққатли меҳнат қилмоқдалар. Демак, электр энергияси ўз-ўзидан оқиб келадиган табиат инъоми эмас. Уни ишлаб чиқариб, истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнлари жуда катта маблағ талаб қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ушбу харажатлар истеъмолчилар томонидан сарфланган энергия учун тўловлар ҳисобидан бўлиши керак. Агар тўловлар ўз вақтида, яъни ойма-ой тўланмаса, эртанги кунимизга етарли миқдорда электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти бўлмайди, қаерлардадир энергия узатувчи тармоқлар таъмирланмай қолади, эскириб, ўз хизматини ўтаб бўлган ускуналар янгиланмайди. Натижада, айниқса, қишли-қировли кунларда уйларимизда чироқнинг ўчиб қолиш ҳоллари кўпаяди.

Дейлик, оқшомда чироқ ўчиб қолди. Бундай пайтда қоронғуликдан кайфиятингиз тушиб, дилингиз хуфтон бўлади. Афсуски, тўловларни унутиб қўйиб, энергетикларни фақат чироқ ўчгандагина эслайдиганлар орамизда ҳали ҳам бор. Бундайларга энергия ҳақини ойма-ой тўлаб турганларида, бу маблағлар ҳисобидан тармоқлар ўз вақтида таъмирланиб, ускуналар янгиланиб, етарли миқдорда электр энергияси ишлаб чиқарилиб, хонадонлари доимо ёруғ ва чароғон бўлишини яна бир бор эслатиб қўймоқчимиз.

Хулоса қилиб айтганда, хонадонларимиз ҳар куни ёруғ, қишда иссиқ, ёз жазирамасида салқин бўлиши энергетиклар билан бир қаторда истеъмолчиларнинг ўзларига ҳам боғлиқ. Улар электр энергияси ҳақини ойма-ой тўлаб туришса, олам гулистон.

«ТОШКЕНТ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ» очиқ акциядорлик жамияти.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

**«Ўзвиносаноат-холдинг» компанияси мамлакатимизда фаолият юритаётган узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, маҳсулот етиштиришда ўрнак бўлаётган заминдорларни қўшимча рағбатлантириш, мамлакатимиз

Ифтихор

ЗАФАР НАШИДАСИ ҲАМОН ДИЛЛАРДА



Профессионал бокснинг ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпионлиги камарини қўлга киритган ҳамюртимиз Руслан Чагаевнинг оламшумул ғалабаси миллионлаб кўнгилларга завқ-шавқ улашиш билан бирга, халқимизни янада жипслаштириш, айниқса, ёшлар онгу тафаккурида она-Ватанга садоқат туйғуларини тарбиялаш, шу диёр, шу замин фарзанди эканлигидан фахрланиш, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини кучайтиришга хизмат қилаётгани билан ҳам қадрлидир. Буни чемпионни қутлашга ошиқаётган юртдошларимизнинг дил изҳорлари, ҳис-ҳаяжонга тўла фикрларидан ҳам англаб олиш қийин эмас.

— Руслан эришган буюк ғалабадан барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз,— дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси масъул ходими Равшан Мусулмонов.— Бу ҳалқимиз кучи, иродаси, фарзандларига кўрсатаётган ғамхўрлиги, ўз навбатида, ўғлонларимиз ғайрати ва жасоратининг эътирофи, тантанасидир. Курраи замин узра ўзбек бокси энг юксак чўққига кўтарилгани, енгилмас чарм қўлқоп усталари айнан бизнинг диёрдан етишиб чиқаётгани барчамизни қувонтиради. Энг муҳими, бу – спортчи ёшларимизга чинакам ибрат ва ўрнак бўла оладиган, уларни янада дадиллик сари руҳлантирадиган бебаҳо ютуқ бўлди.

— Ҳамюртимиз қўли баланд келган ўша учрашув сурури ҳамон биз билан,— дейди Тошкент Давлат аграр университети талабаси Сардар Ҳожиев. — Айниқса, Президентимизнинг жаҳон чемпионига кўрсатган ғамхўрлиги ва эҳтироми, ўз навбатида, Русланнинг она юртига бўлган меҳри, садоқатига ҳар қанча ҳавас қилса арзийди.

— Руслан туфайли мамлакатимиз тарихида биринчи марта профессионал бокснинг ўта нуфузли WBA йўналишини ҳам ишғол этдик,— дейди чемпионга таҳририят орқали ўз саломларини йўллаган бокс бўйича вилоятимиз терма жамоаси бош мураббийи Илёс Раҳимжонов.— Бу ютуқнинг баҳоси, қувончимизнинг чек-чегараси йўқ. Фурсатдан фойдаланиб, таъкидлашни истардимки, вилоятимиз бокс мактабида ҳам истеъдодли, жасур ёшлар камол топмоқда. Насиб бўлса, улар ҳам Чагаев ортидан бориб, нафақат ҳаваскор, балки профессионал рингда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қиладилар.

Бекобод шаҳридаги 9-мактаб ўқувчиси Наргиза Раҳмонова эса чемпионга бўлган чексиз ҳурмати ва дил изҳорларини шеърий сатрларда баён этиб, таҳририятга йўллабди:

Юртнинг ишончини
оқладинг ўғлон,
Сенга лол қолмоқда бутун
бир жаҳон.
Меҳнат ва ҳалоллик ютуқ
қуроли,
Ўзбекнинг Руслани — бокс
қироли!

Бугун дилимизда ўзгача
ғурур,
Она юрт байроғи ҳилпирар
мағрур.
Енгилмас ботирнинг сенда
тимсоли,
Ўзбекнинг Руслани — бокс
қироли!

Маҳмуд Паҳлавон ва
Алпомиш руҳи,
Мадад бўлди сенга ҳур юрт
шукуҳи.
Элга бахтдир сендек
фарзанд камоли,
Ўзбекнинг Руслани — бокс
қироли!

Юртбошим таянчдир ҳар
эзгу ишда,
Она Ўзбекистон тўй
ташвишида.
Бугунги ғалаба юртнинг
иқболи,
Ўзбекнинг Руслани — бокс
қироли!

Дарҳақиқат, юртдошлари ишончини оқлаб, Ватани қадрини, бўю бастини курраи заминга кўз-кўз этган ўктам ўғлон ғалабасини ҳар қанча тантана қилсак арзийди.

Маслаҳат

Серқуёш диёримизда етиштириладиган ширасли тилёрар узумлар шуҳрати етти иқлимда маълуму машҳур. Уста боғбону соҳибкорларимиз ток парваришлаш, унинг ўзига хос, нозик агротехник қоидаларини чуқур ўзлаштириш борасида ҳам тенгсиз саналадилар. Айтишларича, ток занги ҳар йили озуқа билан тўйинтирилиб, рисоладагидек ишлов бериб борилса, узоқ йиллар узлуксиз сара ҳосил берувчи, унча-бунча ноқулай табиий шароитга ҳам мослашувчан хусусиятга эга бўларкан.



УЗУМ ЕЙМАН ДЕСАНГИЗ...

Деярли ҳар бир ўзбек хонадонида ток парвариш қилинади. Кўпгина хонадон эгалари токнинг эркин ва текис таралиб ўсиши учун токсўриларни чунонам ҳафсала билан, бежирим қилиб тиклайдиларки, уларга чирмашиб ўсган узум новдалари нақшинкор жозиба касб этади. Кўрган кишининг кўзи қувнайди, ҳаваси келади. Бироқ, ҳаммамиз ҳам узум етиштиришнинг бир қадар мураккаб, уқув ва зийраклик талаб этадиган сир-асрорларидан тўлиқ хабардор эмасмиз.

Айниқса, авжи баҳор кунлари ток янги новдаларининг айни ривожланиш палласи ҳисобланади. Унинг нозик, яшил новдаларини хомток қилиш, саралаб сўрига боғлаш ҳам айни кунлардаги энг муҳим ва зарурий юмушлардандир.

— Ток асосан шўралари пайдо бўлиши билан хомток қилинади, — дейди қибрайлик кекса боғбон Ғайрат Сулаймонов. — Агар ток яхши суғориладиган, намлик етарли жойда ўсган бўлса, ҳосилсиз новдалари ҳам қолдирилади. Қақроқ ёки лалми майдонлардаги, фақат қиш-баҳордаги ёғингарчилик ҳисобига суғориладиган ток танасида ҳар бир ҳосилдор новдага биттадан ҳосил бермайдиган новда қолдирилса, кифоя. Тупроқ унумдорлиги паст, нобопроқ майдонда ўсаётган ток мева шаклланаётган вақтларда кучсизланиб, «ҳолдан тояди». Бунинг олдини олиш учун шўрали новдаларнинг учдан бир қисмини олиб ташлагани маъқул. Яшил новдалар 55-60 сантиметрга етганда сўрига ёйиқ панжа шаклида таралади. Боғичлар узилиб кетмаслиги, навниҳоллар сўри ёки симга ишқаланиб, эзилмаслиги учун симбағазларга саккиз рақамини эслатувчи шаклда боғланади.

Хомтокда узилган барглар-ни ташлаб юборишга ошиқманг. Чунки улар таркибида турли маъданлар ва ўта камёб дармондорилар мавжуд. Пазанда уй бекалари уларнинг оч яшил, нозик тусдагиларидан турли мазали таомлар, токоши ва токсомсалар тайёрлайдилар. Шунингдек, уларни қаватлаб ўраб, стирилланган ҳолда консервалаш ҳам мумкин.

Узум ҳосилдорлигини ошириш, мевасини сара ва мазали қилишда хомток қаторида яна бир нечта омиллар мавжуд. Айни кунлар билан боғлиқ агротехник тадбирлардан бири ток танаси атрофидаги тупроқни 15-20 сантиметр чуқурликда юмшатиб чиқишдир. Бунда тупроқ намлиги меъёрида сақланади, бегона ўтлар йўқолади. Токларни маҳаллий, ҳамда фосфорли ва калийли ўғитлар билан мавсумий озиқлантириб туриш айниқса, яхши самара беради.

Кунлар исий бошлаши билан ток турли касалликларга чалиниши ҳам мумкин. Касаллик белгилари мавжуд бўлган барг ва новдалар зудлик билан олиб ташланиши лозим. Одатда, уни кўпроқ кул (ондиум) касаллиги шикастлайди. Ундан ҳимояланишнинг энг оддий ва самарали йўли айни баҳор кезларида 1-2 марта туйилган олтингугурт билан чанглантиришдир. Бу тадбирлар май ойидан кечикмай ўтказилса, яна яхши.

Пишиқчилик пайтида боғингиздан болу шарбат оқишини истасангиз, ҳаракатни ҳозирданоқ пухта қилинг. Узум пишганда «ўзимизнинг боғдан» дея танишбилишларга улашишни ҳам унутманг.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.

Аъзам АЗИМИЙ

Ливиянинг шарафига алёрлар айтиб ўтирганимизда нима бўлди-ю, менинг рангларни унча ажратолмаслигим, яъни дальтоник касалимнинг сири очилиб қолди. Бу ҳаммадан кўра Маргарита Николаевнага кучлироқ таъсир қилганини сездим-у, вазиятни ўнгламоқчи бўлдим:

— Ҳамма рангларни эмас. Масалан, қизингизнинг тилларанг сочини, мовий кўзларини фарқлай оламан!

Даврадагилар кулиб юборишди. Ливия эса эркаланиб, бошини елкамга қўйди. Кейин, хонасига кириб, газета қирқими билан бир журнални кўтариб чиқди-да, меҳмонларга кўрсатди. 40-йилларнинг охирида чиққан газетадаги «Ўн икки ёшли ихтирочи» мақоласида мен ҳақимда ёзилган бўлиб, домна ўчоғи ёнида ишлаб турган суратим ҳам бор эди. Бошқа журналда ҳам менинг ўн тўрт ёшлигимдаги суратим бўлиб, ўша пайтда республика театрида қўйилган пьесамга шарҳ берилган эди. Очиғи, бу мақолаларни ўзим ҳам биринчи бор кўриб турардим.

— Чет элда ишлаган пайтимизда Ватандан келган ҳар бир газета, журнални бошидан охиригача синчиклаб ўқирдик. — деди Алексей Георгиевич ва менга қараб қўшиб қўйди: — Ливия шундан бери суратингни сақлаб, исмингни тилидан қўймайди. Худди сеҳрлангандай.

— Шундай муҳаббатга лойиқ йигит экан ўзи ҳам, — деди Ахуджава елкамга қоқиб ва чекиш учун коридорга таклиф қилди.

Урал совуғининг таъсириданми, билмадим, ўрнимдан турганимда оёғимдаги эски ярам қаттиқ оғриб, қайтганимизда ҳам босилмай, оқсоқланиб, жойимга ўтирдим.

— Оёғингизга нима бўлди, жоним? — деб сўради Ливия.

— Ёшлигимдаги шўхликнинг оқибати, — дедим. — Бир совуқда, бир иссиқда азоб беради.

— У қандай яра экан? — сўради Маргарита Николаевна хавотирланиб.

— Ёшлигимда оёғимга ўқ теккан...

Яна «қовун тушириб» қўйдим. Маргарита Николаевнанинг кўзлари қинидан чиқаёзди.

— Ўқ нима қилиб юрибди? Ахир сиз урушда бўлмагансиз-ку?

— Йўқ албатта, — дедим қизариб. — Ёшликда қиз ўғирлаганимизда оёқдан ўқ еганман...

Бу гапим ҳам жуда ўринсиз чиқди шекилли, даврадагиларнинг нафаси ичларига тушиб кетгандек бўлди. Сўнгра бу ҳақда гапириб беришимни сўраб, қистай бошлашди. Чорасиз қолиб, ўн олти ёшимда бўлиб ўтган воқеани айтиб беришга мажбур бўлдим:

— Тошкентга яқин тоғли бир қишлоқда адамнинг ўртоғи яшарди. Таътилда ўша қишлоққа бориб, дам олардим. Ўша ерли йигитлар билан қирларда от чоптиришни яхши кўрардим. Ғалдаги ташрифимда ўртоқларимнинг бир муаммо хусусида бош қотиришаётганининг устидан чиқиб қолдим. Маълум бўлишича, ўртоғимиз Султоннинг севган қизи Лолани отаси колхоз раисининг ўғлига унаштириб, тўй кунини ҳам белгилаб қўйибди. Бечора Лола нима қиларини билмай қолибди. Бирдан-бир йўли қизни тезлик билан бошқа қишлоққа олиб қочиш ва Султоннинг никоҳидан ўтказиш эди. Бундай тадбирдан четда қололмасдим, мен ҳам қатнашаман, деб туриб олдим. Чавандозлик маҳоратимни билган ўртоқларим рози бўлишди.

Ҳамма нарсани ипидан игнасигача ўйлаб, бир фикрга келгач, режамизни амалга оширадиган кунни белгиладикда, бу ҳақда Лолага хабар қилдик. Қиз ёнғоқ остидаги супада ухлайдиган бўлди. Расмимиз бўйича, олиб қочилган қизни отнинг эгарига олиш билан милтиқдан ҳавога уч марта ўқ узиш керак. Акс ҳолда, бу оддий ўғрилик бўлиб, йигитлар жавобгар бўлиб қолишади.

Шунда биз ўн икки отлиғ, икки кишидан бўлиб, йўлнинг олдиндан белгиланган жойларида беркиниб, ўз навбатимизни кутиб турдик. Уч марта ўқ овози эштилганда қишлоқда ғалағовур бошланиб, чанг-тўзон кўтарилди. Йигитларимизнинг кетидан қишлоқ чавандозлари ўқ отиб, қувиб келарди. Бизнинг йигитлар, ёнимдан ўтаётиб, қизни менинг эгаримга ўнгариб кетишди. Шу ондаёқ отга қамчи босиб, ўртоғим билан тўқайзор оралаб қоча бошладик. Орқамиздан елиб келаётган чавандозлар тап тортмай, ўқ уздилар. Шунда ўқлардан бири оёғимга тегиб, жарга қулаб тушдим. Отлиқлар эса шеригимнинг кетидан қувиб кетишди...

— Эгарингда ётган бечора қизчи? — сўради Ирина.

— У қиз эмас, қиз ётган кўрпа-тўшак экан, — дедим мен ва кулги тингач, ҳикоямни қисқа қилиб қўяқолдим. — Жар тубидаги бутазорда бир ҳафтача ҳолсиз ётдим. Кейин бир чўпон мени топиб олиб, парваришлади. Ҳозир Султон билан Лола бола-чақали. Ярадор оёғим сирқираб қолганда, ўша дамларни қандайдир соғинч билан эслайман...

Меҳмондорчилик тугаб, ҳаммани кузатиб бўлишгач, Алексей Георгиевич маслаҳат берди:

— Шанба-якшанба бизникида қолиб, Ленинградга душанба куни учақол. Ливия хурсанд бўлсин.

— Шундай қилинг, Азимий, — деб эрини қўллади Маргарита Николаевна. — Уйимизнинг тўри сизники! Тортинмай, худди ўз уйингиздек ҳис қилинг!

Рози бўлдим. Ливия қувончини ичига сиғдиролмай, ота-онасини қучоқлаб, ўпа кетди.

Алексей Георгиевич ва Маргарита Николаевна бизни Ливия билан ҳоли қолдириб, ўз хоналарига кириб кетдилар. Ливия эса, менга ўз хонасида ўрин тўшаб берди-да, меҳмонхонани йиғиштириб, саранжомлаш учун чиқиб кетди.

СЕҲРЛИ РАҚАМЛАР

Ливия уй ишларидан қутилиб, хонага кирганида ҳали ухламагандим. У астагина ёнимга ётдида:

— Ёзда Самарқандда нима бўлганини фақат сену мен биламан, — деди. — Ахир мен ҳамма нарсани кўрувчи, кўп нарсани билувчиман-ку. Врачларнинг айтишича, кучли руҳий зарба таъсирида жигарим қаттиқ шикастланибди. Шукр, ҳозирча яхшиман.

— Ўша руҳий зарба ота-онамнинг мени зўрлаб уйлантиришгани сабабли бўлса керак, — дедим ўсмоқчилаб. — Лекин, шундай сирли илоҳий қудратга эга экансан, нега менинг тўйимга қаршилик қилмадинг?

— Шуни билгинки, ҳеч қачон сенга ва сенинг яқинларинга зиёним тегмайди! Ўшанда ич-этимни еб, куйиб ётавердим. Агар сен ўшанда Самарқанд касалхонасига келмаганингда, мен куйиб ўлардим.

(Давоми бор).

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

ЁШ ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Янгибозор кураш залида Ижтимоий ҳимоя йилига бағишлаб вояга етмаган ёшлар ўртасида «Камолот» кубоги учун мусобақа ташкил этилди. Етмишдан ортиқ ёш полвонлар ғолиблик учун гиламга чиқишди.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ўзаро маданий-спорт алоқаларини йўлга қўйиш, ёшларни мусобақаларга кўпроқ жалб этиш, миллий кураш турини оммалаштириш мақсадида ўтказилган бу мусобақада 33 нафар полвон ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. Улар дипломлар ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Латифжон МАНСУРОВ.

Қилмиш-қидирмиш

ЛОҚАЙДЛИКДАН ЖИНОЯТГАЧА БИР ҚАДАМ

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти мис эритиш заводи металл цехи анод бўлимида ғайриодатий ўғрилик юз берди. Аввалига кўпчилик бунга ишонмади. Ишонганлар эса «Воажаб, шунақаси ҳам бўларкан-да», дея ёқа ушлашди.

Одамларнинг ажабланганларича бор. Биринчидан, ўғрибоши — қоровулбошининг ўзи, яъни мис эритиш заводининг қўриқлаш бўлими назоратчиси Нурали Аъзамов. Ўғриликни ўзи қўриқлаётган анод бўлимида содир этди.

Иккинчидан ва энг ачинарлиси назоратчининг ўғрилик қилаётганини ҳеч ким «кўрмади», «сезмади». Ваҳоланки, бутун тунги смена аъзолари ўз иш жойида эди. Бундан ташқари заводнинг қўриқлаш хизмати смена бошлиғи Баҳодир Ханжаров ҳам смена назоратчилари Зокир Сайдуллаев, Илҳом Солиев, Абдулла Қўлдошев, қоровул Бахтиёр Бойжирзаевнинг Н. Аъзамовга ёрдам бераётганини «билмай» қолди. Айниқса, анод бўлими смена бошлиғи Аскар Умаралиевнинг шу тундаги ғалати хатти-ҳаракати ҳаммасидан ошиб тушди. Ахир унинг вазифаси смена аъзоларининг анод мисини қўйишларини назорат қилиб туриш эди-ку. Лекин у ҳам кимдир сеҳрлаб қўйгандек, ўз жойида бир кўриниб, бир кўринмай юрди. Оқибатда қоровуллаш бўлими назоратчилари цехда изғиб юришиб, анодли мисни хамирдан қил суғургандек, осонгина қуйиб олишганини «пайқамади».

Қизиғи шундаки, тунги смена қуювчиларидан Қўлдош Сайдуллаев, Руслан Муҳсинов, Ойбек Аширов, Руслан Ханмурзаев, Александр Леонтьев назоратчиўғриларга анод мисини бемалол қуйиб олишларига ёрдам бериб юбордилар. Қарангки, шу тунда, шу сменада ишлаган эритувчилар М. Раҳмонбердиев, С. Шеримбетов, С. Мансуров, А. Аҳсанов, кран машинистлари Ф. Арслонова, Т. Шерова ҳам очиқ-ойдин содир этилаётган ўғриликдан «бехабар» қолишипти.

Лекин ҳаётдан маълумки, ўғри ҳар қанча айёрлик қилмасин, бир кун бўлмаса, бир кун албатта қўлга тушади. Юқоридаги ўғрилик ҳам худди шундай якун топди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ҳушёрлиги, сезгирлиги, қолаверса, имон-эътиқодли, халқ мулкига жони ачийдиган ҳалол-пок одамлар ёрдамида навбатдаги йирик ўғрилик фош этилиб, олди олинди. Таркибида олтин ва кумуш бўлган умумий қиймати 3 миллион сўмдан зиёд 232 килограмм анод миси ўғирлаб кетиш учун тайёрлаб қўйилган жойида ушлаб қолинди.

Нурали Аъзамов илгари ҳам бир неча марта гумон қилиниб, тафтишдан ўтказилганда, айёрлик қилиб, айбини хаспўшлаб кетишга муваффақ бўлганди. Аммо бу сафар сувдан қуруқ чиқиб кетолмади. Бошида «Бу ўғриликка менинг алоқам йўқ» деб оёқ тираб олганида, унга ўша тунда видеокамерада тўла тасмага туширилган талончиликдан биргина лавҳа кўрсатилди. Унда ўғрилашга мўлжалланган анодли мисни Н. Аъзамовнинг ўзи кўтариб кетаётган пайти акс этганди. Шундан сўнгина айёрнинг тарвузи қўлтиғидан тушди.

Кейинги суҳбатлар жараёнида шу нарса маълум бўлдики, Нурали Аъзамов ўша куни анод бўлимидаги деярли барча тунги смена ходимларини қўлга олган. Демак, шундай хулоса чиқариш мумкин: бутун смена жиноятга шерик бўлган. Бу бежиз эмас. Н. Аъзамов «масъул идораларда мени қўллаб, ҳимоя қиладиганларим бор» деб смена ходимларини лақиллатган.

Аслида ўзини ҳурмат қиладиган, диёнатли, ҳалол одамларни лақиллатиб бўлмайди. Улар ўз қадрларини билишади, шаънларига доғ туширадиган ишлардан тийилишга иродалари етади. Фақат лоқайд, эътиқоди суст кишиларнигина алдаш, йўлдан уриш, ҳатто, жиноят қўчасига буриш мумкин.

Юқоридаги жиноят бутун сменанинг лоқайдликка йўл қўйгани сабабли содир бўлди. Шуниси ачинарлики, бу билан нафақат ўзларини, балки цех, завод, комбинат жамоасини, қолаверса, бутун олмалиқликларни ноқулай аҳволга солиб қўйдилар. Ҳа, лоқайдлик, бефарқлик ҳам иллат аслида. Комбинатнинг айрим цех ва бўлимларида майда-йирик ўғриликлар, талон-торожларнинг содир бўлиб турганлиги ҳам баъзи одамларнинг лоқайдлигидан, ички ўзаро назорат ва ҳушёрликнинг, огоҳликнинг сустлигидан, албатта. Акс ҳолда муҳандис-техник ходимлар, ҳатто, қуйи бўғин раҳбарлари бундай шармандали жиноятларга шерик бўлиб қолмасдилар.

Ҳозир Нурали Аъзамовнинг қилмиши юзасидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов олиб борилмоқда. Одил судлов Н. Аъзамовга кўмаклашганларнинг айбларини одилона аниқлайди ва адолатли жазо тайинлайди. Зеро, бизнинг жадал ислоҳ қилинаётган одил судлов тизимимиз бирорта жиноятнинг жазосиз қолишига йўл қўймайди.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Бу қизиқ

ПИЁДА ЮРИШ ТЕЗЛИГИ ҚАНЧА?

Олимларнинг таъкидлашича, сўнгги ўн йил мобайнида дунёдаги одамларнинг пиёда юриш тезлиги сезиларли ошган. Жаҳоннинг ўттиз икки шаҳрида ўтказилган тажриба натижалари мазкур тезлик 1994-1996 йиллардагига нисбатан ўн фоиз ортганини кўрсатмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, технологик тараққиёт одамларнинг тез ҳаракатланишига сабаб бўлаётир. Шунингдек, интернет ва уяли телефон инсоннинг ўта ҳаракатчан ва айни пайтда тезкор иш кўришига олиб келмоқда.

Хабарларга қараганда, айниқса осиёликлар тез юрар экан. Уларнинг тезлиги 1990 йилдагига нисбатан 20-30 фоиз ошган.

Учтепа тумани, Саккокий кўчаси, 3-а уй манзилида жойлашган "KARAVAN PRIM" МЧЖ ўзининг Устав жамғармасини 1 166 251 467 сўмдан 1 115 991 407 сўмга камайтираётганлигини маълум қилади.

Миробод туманидаги "AMU-ELEKTR QURILISH" хусусий корхонаси (ОКОНХ 61124) "AMU-ELEKTR QURILISH" МЧЖга айлантирилмоқда.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ҳафта давомида 293-36-10 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

1994 йил 19 январда Зуева Надежда Дмитриевна номига берилган 08-01/27009 рақамли хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

1993 йил 6 январда Овчаренко Надежда Владимировна номига берилган 01-02/1626 рақамли хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Яккасарой туманидаги "G`ozg`on-Marmar" хусусий корхонаси (ИНН 204265864) ўзининг Устав жамғармасини 1000000 сўмдан 375000 сўмга камайтираётганлигини маълум қилади.

Вилоят ҳокимлиги жамоаси ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Ҳожимурод Эрматовга волидаи муҳтарамаси **ТОЖИ ая**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

Тошкент вилояти Адлия бошқармаси Бекобод туманида ўрни бўш бўлган давлат нотариал идора нотариуси лавозими учун танлов эълон қилади. Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган олий юридик маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган талабгорлар адлия бошқармасига шахсан қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

1) Малака комиссияси номига ариза;
2) паспорт нусхаси;
3) белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4) меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6) охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар 2007 йил 1 июнгача Тошкент вилояти Адлия бошқармасига мурожаат этишлари мумкин.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, У. Носир кўчаси, 93-уй.
Телефонлар: 363-51-03, 362-84-30.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-53-09. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-440. Адади 6991. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар - тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи - 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.45. 1 2 3 4 5